

“Муборакнефтегазмонтаж” АЖ акциядорлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарье вилояти, Муборак шаҳри, 2-микрорайон манзилида жойлашган “Муборакнефтегазмонтаж” АЖ, 2024 йил “16” феврал куни соат 10-00 да Муборак шаҳри, 2-микрорайон, Занжисарой кўчасида жойлашган “Муборакнефтегазмонтаж” АЖ мажлислар залида жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қилади.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати 2024 йил “12” феврал ҳолати билан тузилган.

Кун тартиби:

1. “Муборакнефтегазмонтаж” акциядорлик жамияти акциядорлари умумий йиғилишининг санок комиссияси таркиби ва регламентини тасдиқлаш.

2. “Муборакнефтегазмонтаж” акциядорлик жамиятининг Уставини янги таҳрирда тасдиқлаш.

3. “Муборакнефтегазмонтаж” акциядорлик жамиятининг кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомига киритиладиган қўшимчани тасдиқлаш.

4. “Муборакнефтегазмонтаж” акциядорлик жамиятининг 2023 йил натижалари бўйича тузилган молиявий ҳисоботини миллий аудит стандартларидан келиб чиқган ҳолда ҳамда халқаро стандартлар асосида тузилган молиявий ҳисоботини халқаро аудит стандартларидан келиб чиқган ҳолда аудиторлик текширувидан ўтказиш ва 2023 йил натижалари бўйича самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорининг текшируви бўйича аудитор ташкилотини танлаш.

Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилишига тайёргарлик вақтида қўйидаги ахборотлар билан танишишингиз мумкин:

- Умумий йиғилишнинг санок комиссияси таркиби ва регламенти;
- Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлигининг 2024 йил 04 январдаги 02/09-3-17/18-сонли хати;
- “Муборакнефтегазмонтаж” акциядорлик жамиятининг янги таҳрирдаги Устави лойиҳаси;
- “Муборакнефтегазмонтаж” акциядорлик жамиятининг кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомига киритиладиган қўшимча лойиҳаси;
- Аудитор ташкилоти танлови якуни билан таклиф киритган аудитор корхоналари ҳужжатлари.

Жамият электрон почта манзили: mngm07@mail.ru, акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими (+998-97) 229-12-73. Иштирокчиларни рўйхатга олиш: 2024 йил “16” феврал куни соат 09.00 дан 10.00 гача.

Ёнингизда паспорт ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат бўлиши сўралади.

Кузатув кенгаши.